

Энди тўхтарсиз! (Қимор ўйнамоқчи бўлганлар учун эслатма)



13:00 / 06.12.2021 2278

Аллоҳ таоло Моида сурасида шундай марҳамат қилади:

نَّمَّ سَجْرُ الْمُزَأْمِلِ وَبِأَصْنَافِ الْوُرسِ يَمْجُلُ وَرَمَحُ الْخِلِّ أَمَّنْ إِأُونَمَاءَ نِي دَلِّ أَوْيَ أَي
عَقُوِي نَأُنْطِي شِلُّ دِي رِي أَمَّنْ إِ ٩٠ نُوْحِلُّ فُتْ مُكَلَعَلُ هُوْبِنَتِ جَفِ نَطِي شِلُّ
لِلُّ رَكُذَنْعَ مُكُذْصَيِّ وَرَسِ يَمْجُلُ وَرَمَحُ الْخِلِّ يَفْءَاضِ عِبَّجِلُّ وَوَدَعِ لُّ مُكَنْ يَب
٩١ نُوَهَتَنْمُ مُتْ نَأُ لَفِ هَوْلِّ صِلُّ

«Эй имон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг! Шоядки, нажот топсангиз! Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайди. Энди

тўхтарсизлар?!» (Моида сураси, 90-91 оятлар)

Динимизда меҳнатсиз мол-мулк жамғариш қораланади. Шунинг учун шариатимизда рибо (судхўрлик) ва қимор ҳаром қилинган. Қимор араб тилида «майсир» деб аталади. Бу сўз «юср» ўзагидан олинган бўлиб, «осонлик» деган маънони англатади. Чунки қиморда ўзганинг моли машаққат ва қийинчиликсиз осонлик ҳамда енгиллик билан қўлга киритилади (Абул Баракот Насафий раҳимахуллоҳ).

Аллоҳ таоло қиморнинг ҳаромлиги, нақадар улуғ гуноҳ эканини бир нечта усуллар билан таъкидлаган:

Оятда қиморнинг ҳаромлигини таъкидлироқ ифодалаш учун “Албатта” сўзи қўлланилган.

Аллоҳ таоло қиморни бут-санамларга ибодат қилиш хамр (маст қилувчи ичимлик) ичиш ва фол очиш билан тенглаштирган. Дарҳақиқат, қимор ўйнайдиган одамнинг бутга сиғинадиган, хамр (маст қилувчи ичимлик) ичадиган ва фолбинлик қиладиган гуноҳқордан ҳеч қандай фарқи йўқ.

Қимор ифлослик экани айтилган. Ифлосликдан мурод најосат, тезак ва жирканч нарсадир.

Қимор шайтоннинг иши, яъни унинг чақириғи, даъвати ва мақсади экани таъкидланган.

Аллоҳ таоло: “... Ундан четланингиз! ...”, дея қатъий буйруқ билан огоҳлантирган.

Қимордан тийилиш Қиёматда нажот топишга сабаб бўлиши таъкидланган.

Қимор одамлар ўртасида адоват ва нафрат уйғонишига сабаб бўлиши таъкидланган. Одамлар дастлаб қимор атрофида дўстона шаклда тўплансаларда, оқибатда бир-бирларидан аламзада ҳолатда айриладилар.

Қимор Аллоҳни зикр қилишга тўсқинлик қилиши таъкидланган.

Аллоҳ таоло қиморнинг намоздан тўсишидан огоҳлантирган.

Юқоридаги икки оятга яхшилаб эътибор беринг! Биринчи оятда қимор хамр (маст қилувчи ичимликлар), бут-санамлар ва фол очадиганлар билан бир қаторда зикр этилган. Сўнг иккинчи оятда хамр ва қимор яна алоҳида зикр этилган. Бу чунки Аллоҳнинг мазкур оятлардаги асл мақсади

мўминларни қимор ва хамрдан қайтаришдир.

Аллоҳ таоло қиморнинг мазкур зарарларини баён қилгач, бизни яна бир бор огоҳликка чақириб, шундай деган: **“... Энди тўхтарсизлар?!”** (Имом Мотуридий, Абул Баракот Насафий раҳимаҳуллоҳлар)

Ҳаёт

Аллоҳ таоло қиморнинг зараридан бизни қаттиқ огоҳлантирмоқда! Ҳа, қиморнинг ҳаромлиги ва зараридан огоҳлантириш учун наҳв ва балоғат фанлари (араб тили грамматикаси)нинг энг таъсирли услубларидан фойдаланилган! Бу борада ўндан ортиқ таъкид усули қўлланилган! Бошқа ҳеч қайси гуноҳнинг зараридан Аллоҳ таоло бунчалик қаттиқ огоҳлантирмаган!

Қимор ўнайшдан олдин мазкур илоҳий таълимотларга бир назар солинг:

Қиёматда бутпараст, ароқхўр ва фолбинлар билан бир сафда туришни афзал биласизми?!

Жирканч ва ифлос бўлган насжосатни қўлга олишни истайсизми?!

Шайтоннинг чақириғига лаббай деб жавоб беришни хоҳлайсизми?!

Наҳотки, Қиёматнинг даҳшатлари ва жаҳаннамнинг азобидан нажот топишни истамасангиз?!

Яқинларингизга бўлган муҳаббат ўрнини адоват ва нафрат эгаллашини хоҳлайсизми?!

Аллоҳнинг зикри, хусусан, намоздек улуғ ибодатнинг лаззатидан воз кечмоқчимисиз?!

Аллоҳ таолонинг асл мақсадини эътиборсиз қолдирмоқчимисиз?!

«Энди тўхтарсиз»!

Абдуллоҳ Абдулмажид тайёрлади